

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ ШЕРЗОД САИДОВИЧ

**ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ
(ЎЗБЕКИСТОН ВА БУЮК БРИТАНИЯ МИСОЛИДА)**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
political sciences**

Рахимов Шерзод Саидович

Жамиятни демократлаштиришда фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш
(Ўзбекистон ва Буюк Британия мисолида).....3

Рахимов Шерзод Саидович

Повышение политической активности граждан в процессе демократизации
общества (на примере Узбекистана и
Великобритании).....23

Rakhimov Sherzod Saidovich

Increasing the political activity of citizens in the process of democratization of
society (on the example of Uzbekistan and the UK).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published
works.....46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ ШЕРЗОД САИДОВИЧ

**ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА ФУҚАРОЛАР СИЁСИЙ
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ
(ЎЗБЕКИСТОН ВА БУЮК БРИТАНИЯ МИСОЛИДА)**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ss85 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва “Ziyonet” ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сирожов Ойбек Очилович
сиёсий фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Идилов Улуғбек Юсупович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Каримов Фарход Эркинович
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил “__” _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси. 5-қават, 511-хона Тел.: (71) 227-12-24; факс: (71) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (71) 246-67-71; факс.: (71) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “__” _____ даги __ реестр баённомаси)

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Х.Холмахматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.д.(PhD).

У.Ю.Идилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар демократиянинг кўпроқ ўзини ўзи бошқариш тизими ва фуқаролик жамияти негизларида намоён бўлишини кўрсатмоқда. Унда бошқарувчи ва бошқарилувчи бир шахсда - фаол фуқарода акс этади. Демократиянинг ривожини фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан фаоллиги ҳамда маънавий етуклигига боғлиқ. Демократик жамиятни барпо этишда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш энг долзарб масалалардан бирига айланади. Демократик анъаналарни ижтимоий ҳаётга изчил татбиқ этмай туриб, жамиятда сиёсий, ҳуқуқий маданиятни ошириш мумкин эмас. Шунинг учун сиёсий фаолликни оширишга доир масалаларни ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда сиёсий фанлар доирасида демократик ислохотлар жараёнида фуқароларнинг жамиятдаги масъулиятини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнларга таъсири механизмларини белгилаш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувидаги родини кучайтиришга қаратилган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Мазкур тадқиқотлар сиёсий тизимга хос бўлган давлат ҳокимияти ва демократик институтлар ўртасидаги зиддиятларга оид муаммоларни ҳал этишга, шунингдек, давлат ҳокимияти функцияларини фуқаролар манфаатларини таъминлаш нуқтаи назаридан оптималлаштириш, жамиятда фуқароларнинг сиёсий партияларга аъзо бўлиш, нодавлат институтларга уюшиш ва ҳукуматга таъсир кўрсатиш имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ҳам амалга оширилаётган ислохотларда масъулият ва дахлдорлик туйғусини ҳис этиш айнан фуқаролар сиёсий фаоллиги билан боғлиқдир. Фуқароларнинг фаоллиги, яъни уларнинг сиёсий фаоллиги масалалари, фуқароларнинг сиёсий фаоллик даражаларини аниқлаш мезонлари сиёсий фанлар нуқтаи назаридан тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шунингдек, бу соҳадаги хорижий тажриба ҳам алоҳида ўрганилмагани сабабли диссертация мавзуси бугунги кун талаби воқеликлари асосида ўрганилди. Диссертация мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий сиёсатшунос олимлар томонидан амалга оширилган илмий ишлар ва тадқиқот натижалари, уларнинг таҳлили, хорижий тажриба айниқса, Буюк Британия тажрибаси таҳлил қилиниб, илмий мавзу доирасида тадқиқ этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг родини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сон, 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли фармонларида, 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати

самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4473-сон, 2019 йил 30 октябрдаги “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4501-сон қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Демократик жамият бошқарувини тадқиқ этишга оид бўлган дастлабки фалсафий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ғоялар зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳамда қадимги дунё алломалари, хусусан, Афлотун, Арасту, Цицеронларнинг фалсафий-ахлоқий қарашларида муҳим ўрин тутади.

Демократик жамиятда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ўрганиш масалаларининг назарий, илмий ва амалий жиҳатлари бўйича Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга оид бўлган ёндашувлари ўрганилди, яъни Абу Наср ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Низомул-мулк, Амир Темур, Алишер Навоийларнинг бу борадаги амалий ёндашувларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фуқароларнинг иштироки масаласи бир қатор Ғарб мутафаккирлари, хусусан, Т.Гобс, И.Кант, В.Гумбольдт, А.Токвиль, Ж.Локкларнинг назарий қарашларида ўрганилган.

Жамиятда фуқароларнинг эркинлиги ва сиёсий жиҳатдан фаоллашувига оид бўлган масалалар мустақиллик йилларида юртимиз олимларидан: И.Каримов, Р.Джумаев, И.Коренев, Ш.Пахрутдинов, Н.Жўраев, И.Эргашев, У.Идилов, Б.Тўйчиев, М.Қирғизбоев, В.Қўчқоров, А.Саитқосимов, Т.Алимардонов, О.Сирожов, Н.Қалқонов, Н.Умарова, М.Юнусова, М.Муллажонова, Г.Жамолова, Н.Хидиров, Н.Шодиев ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўрганилган. Шунингдек, С.А.Жўраев, М.М.Йўлдошев, Р.Э.Турдидоева, Э.М.Абзалов, Л.Х.Тангриев, Б.Х.Жўраев, Г.Ж.Туленова, Ш.А.Эрматов, Д.Бўронова¹ ва бошқалар ўз тадқиқотларида сиёсий фаолиятда ёшларнинг муносабатлари, уларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий маданиятларини оширишга доир масалаларда тадқиқотлар олиб борганлар.

Хусусан, сиёсий фанлар доктори М.Қирғизбоевнинг фикрича: “Фуқаролар фаоллигини оширишда уларнинг сиёсат ва ҳокимият ҳодисаларига нисбатан шахсий муносабатларини ифодаловчи баҳолаш

¹Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида бериб ўтилган.

ҳукмлари аҳамиятга молик маънавий ҳодисадир. Бундай шахсий-мазмуний муносабатларнинг мавжудлиги инсоннинг ўз фуқаролик бурчини англаб етган сиёсий субъект сифатида фаолият кўрсата олишини ифода этади.²

Сиёсий фанлар номзоди Б.Жўраев жамият демократлашуви жараёнларининг ёшлар томонидан идрок этилиши, уларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишининг фаоллик даражаси ҳамда унга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиб, ёшларни шартли равишда “сиёсий фаол” ва “фаол бўлмаган” гуруҳларга бўлган³. Ш.Эрматов томонидан қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки, унинг демократиялашиш билан боғлиқ жиҳатлари ўрганилган, қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда иштироки микро (маҳаллий давлат ҳокимияти), макро (республика миқёсидаги ўрни, ҳолати) даражада таҳлил этилган.⁴

Сиёсий фанлар доктори В.Ҳ.Кўчқоров: “Сиёсий ўзликни англаш (сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий тафаккур, сиёсий фаолият ва б.) миллий ўзликни англашнинг ўзагидир. Сиёсий онг ва сиёсий фаолият ўзаро уйғун бўлмаса, миллий ўзликни англаш шунчаки фикр даражасида қолиб кетади”,⁵ деб таъкидлаган.

Сиёсий фаоллик масалаларининг назарий-методологик ва амалий муаммолари АҚШлик олимлардан: С.Хантингтон, Л.Милбрайт, Г.Алмонд, С.Вербалар, Буюк Британиялик олимлардан М.Ҳен, Н.Фоард, Н.Дэмпсей, Н.Жонстонлар ва бошқа хорижий давлатлардаги олимлардан: Ю.Хабермас, М.А.Плэйск, Ж.Лим, М.М.Смитс, Ҳ.Ё.Ёон, Ю.Ли, Д.Марш, Ф.Парвин, С.Роча, П.Бетание, В.Томас, П.Р.Гразиано, Л.Милбоурн, М.Кушман, С.Девидсон, С.Элстуб, Ж.Куртайс, Р.Ормстон, Л.Гооде, Д.Диммер, А.Петерсон, Р.Кеен, Л.Жексонлар ва МДҲ давлатлари олимларидан: А.А.Громыко, А.А.Голычев, И.А.Грошева, М.В.Барсегян⁶ ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Хусусан, Фарб олими (немис) Ю.Хабермас ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида ҳар қандай қарор қабул қилишда энг муҳим омиллардан бири - бу ўзаро консенсус (муроса)га эришишдир, деб айтади. Олимнинг назариясига кўра консенсусга эришишнинг ягона йўли бу мулоқот бўлиб, унда иштирокчининг хоҳиши юқори даражада бўлиши, турли босим ва мажбурлашлардан ҳимояланганлиги, фикрлар эркинлиги, иштирокчилар тенглигининг мавжудлигидадир.

² Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёс. фан. докт. ... дис. –Т. 2007.; Б342, 135-бет;

³ Жўраев Б. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ёшлар сиёсий фаоллиги муаммоси. Сиёс. фан. ном. ...дис. –Т. 2004.; 150Б. 77-бет;

⁴ Эрматов Ш.А. Ўзбекистонда қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда иштироки: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар. Сиёс. фан. ном. ...дис. –Т. 2007.; 150Б. 50-бет;

⁵ Кўчқоров В. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси (сиёсий фалсафий таҳлил). Сиёс. фан. докт. ... дис. –Тошкент: 2009.;325Б. 79-бет;

⁶ Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Россиялик сиёсий фанлар номзоди В.Барсегян ёшлар фаоллиги бўйича тадқиқотлар олиб бориб, ҳар бир ёш авлоднинг фаоллиги аввало, уларнинг мақсад ва манфаатларидан келиб чиқишини қайд этади.

АҚШлик олим Хо Ён Юн шундай дейди: “Сиёсий жараёнларда иштирок этиш масалаларининг интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали йўлга қўйилиши натижасида умумий ёки индивидуал сиёсий иштирок этишга нисбатан анча фаоллик вужудга келади.”⁷

Юқорида келтирилган маҳаллий ва хорижий олимлар илмий тадқиқот ишларининг илмий ва амалий аҳамиятини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда жамиятимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бош бўғини бўлган фуқаролардан фаоллик талаб қилинишини инобатга олган ҳолда жамият ҳаётидаги ўзгаришларда фуқароларнинг фаоллиги, яъни уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари алоҳида ўрганилмаган, фуқароларнинг сиёсий фаоллик даражаларини аниқлаш мезон ва методикалари сиёсий фанлар нуқтаи назардан тадқиқ этилмаган. Шунингдек, ушбу соҳадаги хорижий тажриба ҳам ўрганилмаганлиги сабабли Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаркатлар стратегиясига таянган ҳолда давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнида фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш билан боғлиқ мавзуни бевосита махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, шу асосда амалиёт учун зарур бўлган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Амалга оширилган ишлар шуни кўрсатадики, мазкур тадқиқотларда жамият ҳаётининг демократлашувида фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалалари, хусусан Ўзбекистон ва Буюк Британия мисолида қиёсий таҳлил сифатида ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам мазкур мавзуни алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш” банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Жамият ҳаётини демократлаштиришда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалаларининг ижтимоий-сиёсий хусусиятларини очиқ бериш, сиёсий фаоллик даражаларини белгиловчи мезонларни ҳамда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сиёсий фаолликни оширишга оид бўлган назарий-методологик ёндашувларни қиёсий концептуал таҳлил қилиш;

“сиёсий фаоллик” тушунчасига илмий адабиётларни ўрганиш баробарида яхлит ҳолда умумий таъриф бериш;

⁷Triangular Relationship Between the Internet, Institution, and Political Participation by Ho Young Yoon. A dissertation PhD at the University Of Wisconsin–Madison/2017. On page 13

Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий фаолликни оширишдаги ўрни ва аҳамиятини асослаш;

сиёсий фаолликни оширишда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

жамиятда фуқароларнинг сиёсий фаоллик даражаларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

сиёсий фаоллик даражаларини туркумлаштириш ва таҳлилинини ишлаб чиқиш;

жамиятда фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш масалаларини Ўзбекистон ва Буюк Британия тажрибалари асосида қиёсий таҳлилинини ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан илмий асослаш;

сиёсий фаолликни жамият ҳаётидаги ўзгаришларга таъсирини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объектини жамият ҳаётини демократлаштириш шароитида фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишжараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети жамият ҳаётини демократлаштиришда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишнинг ижтимоий-сиёсий масалаларини Ўзбекистон ва Буюк Британия мисолида очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда сиёсий-ижтимоий комплекс ёндашув, мантикийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, кузатув, сўровнома ва таҳлил этиш, статистик маълумотлар таҳлили каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сиёсий фаоллик даражалари назарий қарашлар ва услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда умумлаштирилган ҳамда улар сиёсий фаол бўлган фуқаролар (юқори, ўрта ва паст даража) ва сиёсий пасив (нофаол) бўлган фуқаролар даражаларига бўлиниши очиқ берилган;

фуқаролар сиёсий фаоллигини баҳолаш мезонлари (сайловларда иштирок этиш, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларига аъзолик, саводхонлик, ёшларнинг сиёсий жараёнларга қизиқиш даражаси... в.х.) ишлаб чиқилиб, ушбу мезонлар асосида жамиятдаги барча қатламларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини аниқлаш, шу асосда сиёсий фаоллик даражаларини белгилаш лозимлиги асосланган;

Буюк Британия фуқароларининг сиёсий фаоллиги масалалари юртимизда илк бор ўрганилиб, фуқаролар сиёсий фаоллик даражасининг пасайиши кузатилаётгани асосланган, Ўзбекистон ва Буюк Британия фуқароларининг сиёсий фаоллиги масалалари, айниқса, расмий ва норасмий сиёсий фаоллик масалаларидаги номутаносибликлар очиқ берилган;

жамиятда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини ўрганиш асосида ижтимоий-сиёсий таҳлилий марказлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаоллашувига туртки бўладиган яна бир

омил - онлайн фаоллик ҳамда электрон демократияни янада
такомиллаштириш лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

жамият ҳаётини демократлаштиришда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишнинг ижтимоий-сиёсий масалалари ўрганилиши натижасида сиёсий фаоллик даражалари туркумлаштирилган;

фуқаролар сиёсий фаоллигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ва Буюк Британия фуқаролари сиёсий фаоллиги масалаларининг қиёсий таҳлили натижасида фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида фойдаланилган барча маълумотлар тегишли расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқотда фойдаланилган методларнинг объективлиги, муаммо Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, ОАК эътироф этган маҳаллий ва хорижий журналларда чоп этилганлиги, тадқиқот иши натижалари қиёсий таҳлил қилинганлиги, тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аниқлиги ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, Ўзбекистон жамиятида сиёсий фаоллик масалаларининг ўзига хос хусусиятлари Буюк Британия билан қиёсий таҳлил қилинган, яъни Буюк Британия жамиятининг Ўзбекистонга мос келадиган жиҳатларига тасниф берилган. Буюк Британия фуқароларининг жамиятда сиёсий фаоллиги, сиёсий жараёнлардаги иштироки масалалари Ўзбекистон сиёсатшунослигида илк бор ўрганилди.

Тадқиқотда илгари сурилган ижтимоий-сиёсий ғоялардан, умумлаштирилган тавсиялардан давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ижтимоий-сиёсий муассасалар, сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим-тарбия даргоҳлари ўз амалий фаолиятларида қўллаши ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий фаолликни ўрганиш бўйича ўтказиладиган сиёсий тадқиқотларида фойдаланилиши мумкин. Илмий хулосалардан сиёсатшунослик, фалсафа, фуқаролик жамияти, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, давлат ва нодавлат ташкилотлари муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин. Фуқаролардаги сиёсий фаоллик ҳақидаги сиёсий-ижтимоий ғоялар, тавсиялар фуқаролик жамияти, сиёсатшунослик, социология фанларини янгича ёндашувлар билан бойитади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бугунги кунда давлат ва жамиятда олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти, жамиятни демократлаштириш жараёнларида фуқароларнинг фаол иштироки, айниқса, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги масалалари, “сиёсий фаоллик” тушунчаси, жамиятда фуқароларнинг сиёсий фаоллик даражаларини аниқлаш мезонлари, фуқаролар сиёсий фаоллик даражалари ҳамда Буюк Британия

фуқароларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки, фаоллик масалаларининг Ўзбекистон билан қиёсий таҳлили каби илмий-амалий натижалар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston” телерадиоканалидаги “Парламент фаолияти”, “Виртуал дунё” “Миллат ва маънавият” номли эшиттиришларининг 2019 йил январь ва апрел ойларидаги сонларида тадқиқот юзасидан суҳбатлар бўлиб, радио эшиттиришлар давомида асослаб берилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканали ДУКнинг 2019 йил 13 майдаги №02-11-1-92-сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалар ушбу телерадиоэшиттиришлар учун тайёрланган материаллар мазмунини мукамал ва илмий далилларга бой бўлишида, радиоэшиттиришларнинг илмий-оммабоплигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган;

фуқаролар сиёсий фаоллик даражаларини аниқлаш мезонлари, сиёсий фаоллик даражаларининг таҳлили, фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш масалалари, партия қошида махсус сиёсий таҳлил марказларини ташкил этишга оид таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг “Йўл харита”лари ва сайловолди дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2018 йил 19 ноябрдаги 2-1059-сонли хати). Мазкур илмий хулосалар партиянинг сайловга тайёргарлик кўриши билан боғлиқ жараёнларнинг жонланишига катта ҳисса қўшган;

жамиятда фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллик даражаси ҳамда маънавий етуклигини таъминлаш омиллари, фуқаролар сиёсий фаоллигининг баҳолаш мезонлари, Ўзбекистон ва Буюк Британия фуқароларининг сиёсий фаоллиги масалалари, электрон демократияни янада такомиллаштириш каби илмий хулоса ва таклифлардан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг 2018-2019 йиллардаги ўқув жараёнларида хусусан, “Ватанпарварлик тарбияси”, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузаларида таълим-тарбия масалалари”, “Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш” каби ўқув модулларини ишлаб чиқишда ва ўқитилишида фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Педагогик инновациялар институтининг 2020 йил 17 февралдаги БС-01-02-76-сонли маълумотномаси) Натижада, илмий-тадқиқот иши натижалари мазкур модулларни ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилган;

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фуқаролар масъулият ва дахлдорлик туйғусини ҳис этиши, сиёсий фаоллик даражаларини аниқлашда Буюк Британия тажрибасини таҳлил қилиш орқали жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан фаоллик даражаси ҳамда маънавий етуклигини таъминлаш омиллари борасида илгари сурилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018-2019 йилларда ўтказилган тарғибот ва ташвиқот ишларида

татбиқ этилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 20 февралдаги 02/07-226-сонли далолатномаси). Натижада, илмий хулосалар давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга оид жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий институционал янгиланишлар борасидаги ғояларни тарғиб қилиш юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлаш, тренинг ва семинарлар ташкил этишга хизмат қилган;

фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори асосида умумий ўрта таълим мактаблари 10,11-синф ўқувчилари учун яратилган “Маънавият асослари” дарслигининг “Инсон ва жамият” (10-синф, 5-параграф), “Фуқаролик масъулияти ва дахлдорлик” (10-синф, 8-параграф), “Мулоқот ва ўзаро муносабатларда маънавиятнинг ўрни (11-синф, 9-параграф), жамият маънавиятини юксалтиришда медиа маданиятнинг таъсири (11-синф, 15-параграф) каби мавзуларни ёритишда фойдаланилган. (Республика таълим марказининг 2019 йил 10 майдаги 01/11-01/5-1021-сон маълумотномаси). Мазкур дарслик ўқувчиларнинг инсон ва жамият ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар тўғрисидаги тушунчаларини янада бойитишда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та (13 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг усуллари, илмий янгиллиги ва амалий натижаси баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган. Тадқиқот натижаларининг жорий

этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Жамият ҳаётини демократлаштиришда фуқаролар сиёсий фаоллигини оширишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида жамият ҳаётини демократлаштиришда “фуқаролар сиёсий фаоллиги” тушунчасининг мазмун-моҳияти ёритиб берилган, хусусан, сиёсий жараёнлар турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар, индивидлар муносабати ҳамда сиёсий жараёнларда иштирок этувчи субъектлар, сиёсий жараён иштирокчиси, сиёсий иштирок шакллари ҳамда “сиёсий фаолият” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган.

Сиёсий фаоллик – бу фуқароларнинг ҳаётини муҳим масалаларда ўзаро жамоавий манфаатларни рўёбга чиқариш мақсадида ҳамкорликдаги фаолиятидир. Фаолликнинг энг оддий шакли - бу сиёсатга қизиқишдир. Бундан фаолроқ шакли - бу митингларда иштирок этиш, нутқ сўзлаш, сиёсий партиялар фаолиятида фаол иштирок этиш, сиёсий-ижтимоий марказларнинг фаол аъзоси бўлиш, турли ижтимоий лойиҳаларда қатнашиш, турли оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, сайловларда мунтазам овоз беришдир. Бугунги глобаллашув жараёнида Интернет тармоқларининг ривожланиши юқоридаги фаолиятларни бевосита онлайн амалга ошириш имкони берадики, бу ҳам фуқароларнинг янада фаоллашишига туртки бўладиган “онлайн фаоллик” жумласини келтириб чиқаради. Онлайн сиёсий фаоллик - бу фуқароларнинг турли ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб, оммавий мурожаат қилишда қатнашиш, сайловларда онлайн қатнашиш, сиёсий жараёнларни турли тармоқларда дўстлар билан муҳокама қилиш, турли давлат аҳамиятига молик дастурлар ва бошқа масалаларда фаол иштирок этиш ва ўз хоҳиш-истакларини намоён қилишидир.

Тадқиқотда шунингдек, сиёсий фаолликнинг ўзига хос кўринишларидан бўлган лоббизм ҳаракатларининг аҳамиятли жиҳатлари ва таъсири ҳақида маълумот берилган, сиёсий пассивликнинг сабаблари айтиб ўтилган.

Фуқароларнинг сиёсий фаоллигига оид бўлган назарий ва методологик манбалар таҳлил қилиниб, жамият ҳаётининг ўзгаришида фуқаролардан фаолликнинг талаб қилиниши тўғрисида Форобий ўзининг “Фозил шаҳар аҳолисининг маслағи” рисоласида, Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома” (“Сияр ул-мулк”) асарида қайд этиб ўтгани, замонавий сиёсатшунос олимлардан А.Саитқосимов, И.М.Каримов, Б.Жўраев, Ш.Эрматов, М.Қирғизбоев, М.М.Муллажоноваларнинг ҳамда хорижий олимлардан В.М.Барсегян, Ҳари Ҳэн, М.С.Мелисса, Ҳ.Ё.Юн, М.Плейск, С.Роча, Б.Пое, В.Томас, Д.Диммер, А.Питтерсонлар каби бир қатор олимларнинг тадқиқотлари таҳлил қилиниши натижасида шу нарса маълум бўладики, фуқаролар сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш, аввало, уларнинг молиявий манбаларини мустаҳкамлаш, Интернет ижтимоий тармоқлари орқали фуқароларнинг турли сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлаш, фуқаролар сиёсий

фаоллигининг даражаларини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиш, фуқаролар мавжуд эҳтиёж ва муаммоларининг ечимини топишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш орқали фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш каби вазифалар долзарбдир.

Бундан ташқари, жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни тўғрисида диссертант фикрича: “Фуқаролик жамияти – бу юксак фазилатларга эга бўлган инсонлар жамиятидир, унда қонун устуворлиги таъминланади, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қарор топади, сиёсий партиялар ва институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланади, инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шакллари эркин танлаш кафолатланади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи юксак бўлади.”

Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг аҳамиятини янада ошириш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланади, хусусан, фуқаролар ҳаётини янада демократлаштириш, эркинлаштириш, сиёсий фаолликни ошириш йўлида инновацион ғоялар билан фаолият олиб бораётган, давлат органлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан рағбатлантириш;

- жамият ҳаётининг демократлашувида фуқароларнинг мавжуд эҳтиёж, талаб ва муаммоларини ижтимоий марказларда муҳокама қилиш ҳамда уларга ечим топиш;

- фуқаролик жамияти институтларининг мавжуд муаммо ва эҳтиёжлари тўғрисида ижро органига маълумот тақдим этиш лозим.

Қолаверса, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада фаоллаштириш масалаларини ҳозирги глобаллашув даврида оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет тармоқларисиз тасаввур қилиш мушкул масаладир.

Фуқаролик жамияти институтлари фуқароларнинг муаммоларини қанчалик ҳал қила олса, шунчалик уларни фуқаролар қўллаб-қувватлайди.

Фуқаролар дунёқарашининг ўзгариши бу бевосита ижтимоий ҳаётнинг ҳам ўзгаришидир. Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар бу фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаолроқ иштирок этишига боғлиқдир. Агар фуқаролар жамиятда демократияни юксак қадрият деб билиб, демократик жараёнларда фаол иштирок этса, бундай жамият барқарор жамиятга айланади. Ўз-ўзидан фаоллик ҳам кучаяди.

Сиёсий фаол фуқаро ўзи билан бирга жамият аъзоларини ҳам эргаштиради, жамиятнинг демократик институтлари орқали жамоавий гуруҳларнинг эҳтиёж ва манфаатларига биргаликда ечим топади, бу эса фаолликнинг тезлашувини англатади. Айниқса, бугунги шиддатли ривожланиш жараёнида сиёсий фаолликни оширишда инновацион-ижтимоий ғояларни қўллаш давр талабидир, яъни онлайн демократия тизимини қўллаш фуқароларнинг фаоллашишига туртки бўладиган ўзига хос омиллардандир.

Диссертациянинг “**Буюк Британия фуқаролик жамиятида фуқаролар сиёсий фаоллиги: ёндашув, талқин ва тажриба**” номли иккинчи бобида Буюк Британия фуқаролик жамияти шаклланишида ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг роли бўйича тадқиқот олиб бориб, қуйидагиларни баён қилади.

Фуқаролик жамияти ташкилотлари нафақат Буюк Британия фуқаролари, балки бутун дунё аҳолиси учун кенг миқёсли нафақа тўлаш гуруҳларини қўллаб-қувватлаш учун ҳам мавжудлиги, улар, шунингдек, инсоннинг ҳаётига бевосита ёки билвосита таъсир этиши мумкин бўлган бошқа сабабларни ҳам қўллаб-қувватлаши, Буюк Британиядаги аксарият одамлар ўз ҳаётида бирор йўналишдаги фуқаролик жамияти ташкилотидан фойдаланашига доир масалаларни ёритади.

Инглиз жамиятида фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигида муҳим ўрин тутувчи жамият институтлари – таҳлил марказлари фаолият олиб боради. **Таҳлил марказлари** фаолияти ҳам ўзига хос муҳим бўлиб, маълум бир ғоя ёки фикр муҳокама этилиши натижасида “Элита” ғояга айланади ва жамият аъзоларининг қарор қабул қилишида муҳим роль ўйнайди. 2016 йилда Брукингс институти томонидан эълон қилинган маълумотга кўра, дунё бўйича энг таъсирчан кучга эга 175 та таҳлил маркази мавжуд бўлиб, улар ичида 1-ўринни Брукингс институти (АҚШ), 2-ўринни Чэзэм Хаус (Буюк Британия) 3-ўринни Франция ҳалқаро муносабатлар институти, 4-ўринни Халқаро ва стратегик масалалар маркази (АҚШ) эгаллаган.

Сиёсий партияларнинг фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигидаги ўрни ҳам аҳамиятга эгадир. Сиёсий партияларга аъзолик 1950 йилдан буён пасайиб келган, агар 1983 йилда сайловчиларнинг 4 фоизи сиёсий партиялар аъзоси бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилга келиб сайловчиларнинг 1.3 фоизини ташкил қилади, яъни бу давр ичида деярли 65 фоизга қисқарган. 2019 йилга келиб эса, Консерваторлар, Меҳнат ва Либерал демократлар партияларнинг аъзолари сайловчиларнинг 1.7 фоизини ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам Буюк Британия сиёсатида фаоллик, хусусан, сиёсий партияларга аъзоликнинг пасайиши сабабларини ўрганиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ушбу бобда қуйидагиларни келажакда амалга ошириш кераклиги қайд этилган:

- хукумат бошқарувига асосланган бозор иқтисодиётини бошқаришни хусусий сектор билан ҳамкорликда олиб бориш;
- бир қатор ваколатларни тақсимлаш ва қуйига ўтказиш;
- қаерда эҳтиёж мавжуд бўлса қўллаб-қувватлаш;
- фуқаролик жамиятининг ижтимоий кучлар билан ҳамкорлигини кучайтириш.

Буюк Британия Парламенти томонидан 2004 йилдан буён ҳар йили демократияга жамоатчиликнинг муносабати йўналишини тенденцион ўрганиш мақсадида сиёсий фаолият назорати олиб борилади. Ундан мақсад сиёсий фаолият даражаларини аниқлаш, фуқароларнинг нима ҳақида ўйлаши

ёки нимани амалга оширганлиги, уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ёки расмий ва норасмий фаолияти ҳақида маълумот олиш учун ўтказилади. Бундай фаолият 2001 йилда, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки пасайиб кетгандан сўнг Парламент томонидан йўлга қўйилган.

2017 йилдаги натижалардан маълумки, фуқароларнинг энг фаол иштироки бу сайловлардаги иштироки, хайрия ва бадаллар тўлови, электрон петиция масалаларидаги иштирокидир. Энг нофаол иштирок этиш бу оммавий ахборот воситаларида иштирок этиш, намойиш ва оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, сиёсий партиялардаги аъзолик тўловларидир.

Буюк Британияда сиёсий фаоллик жараёнларида иштирок этиш расмий ва норасмий фаолиятларга бўлинган. Расмий иштирок этиш бу расмий форумлар ва жараёнлардир. Булар сайлов ва сайланиш жараёнлари, референдумлар, сиёсий партиялар фаолияти, оммавий митингларда қатнашиш кабилардан иборат.

Норасмий иштирок этиш бу расмий фаолиятлардан ташқари бўлган турли пастдан юқорига қараб ҳаракатланадиган фаолиятлар. Масалан, онлайн фаоллик, яъни петицияларни имзолаш, сиёсий жараён сабабли маҳсулотларни харид қилиш ёки бойкот қилиш, сиёсий масалаларни дўстлар ва оилалар ўртасида муҳокама қилиш кабилардир.

Сиёсий фаолиятда расмий иштирок этиш даражасининг пасайиши ишончсизлик ва сиёсатга қарши бўлган фикрлар сабаб бўлмоқда. Фуқароларда сиёсий иштирок этишнинг янги тизими ташкил топа бошлади. Бу маълум бир масалани ёки ҳудудий масалани, муаммони ҳал қилишда давлатдан кўра шахсий ёки бирор-бир учинчи сектор орқали ҳал қилиш афзал кўрилишига олиб келди.

Мазкур бобда Буюк Британияда бугунги кунда расмий сиёсий фаолиятдан ташқари норасмий сиёсий фаолият кучайиб бораётганлигини қайд этади. Бунинг сабаби фуқаролар расмий сиёсий жараёнларда иштирок этишдан кўра, Интернет тармоқлари орқали бундай жараёнларни муҳокама қилишни афзал кўрмоқда, бу каби ҳолат, айниқса, ёшлар орасида кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам жамиятда “онлайн демократия” тушунчаси шаклланиб келмоқдаки, у бугунги кунда сиёсий жараёнларни онлайн тизимсиз фаоллаштиришнинг имкони пастлигини кўрсатади. Шундай бўлсада, Британия жамиятида фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошганлигини “Лоббизм ҳаракатларининг шаффофлиги, партиявий бўлмаган ташвиқотлар, касаба уюшмалари бошқаруви” тўғрисида қонун қабул қилиниши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Британияда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги кўпроқ ижтимоий тармоқларда кўпайиб бораётганлиги кузатилади. Натижада расмий сиёсий фаолиятдан ташқари норасмий сиёсий фаолият кучайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам жамиятда онлайн демократия тушунчаси шаклланиб келмоқда.

“Демократик жараёнларнинг жадаллашуви шароитида фуқаролар сиёсий фаоллигини оширишнинг амалий тажрибалари” деб номланган учинчи бобда эса жамият ҳаётининг демократлашувида фуқаролар сиёсий

фаоллигининг ўрни тўғрисида диссертант куйидаги фикрларни баён этади, хусусан, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокининг кучайиши бу демократиянинг кучайишидир. Шундай бўлсада жамиятда барча бараварига фаол бўла олмайди.

Фуқаронинг сиёсий жараёнлар субъектига айланишининг асосий мезонларидан бири унинг сиёсий фаоллигидир. Бундай фуқаро сиёсатнинг субъекти сифатида жамиятдаги сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмайди, шунингдек, жамият ҳаётидаги ўзгаришларни тушуниб олишга ҳаракат қилади ва ушбу жараёнларда маълум вазифани бажаради. Шундай экан фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги фаолияти, иштирокининг даражалари ушбу жараёнларда қанчалик иштирок этиши билан ўлчанади.

Муаллиф сиёсий фаоллик даражалари тўғрисида бир қатор олимларнинг тадқиқотларни ўрганиб чиқиб, умумий ҳолатда фуқаролар сиёсий фаоллик даражасини уларнинг сиёсий фаолиятга қизиқишидан келиб чиқиб, куйидагича туркумлаштиришни мақсадга мувофиқ деб билади:

- а) сиёсий фаол бўлган фуқаролар (юқори, ўрта ва паст даража);
- б) сиёсий пассив (нофаол) бўлган фуқаролар.

Сиёсий фаол бўлган фуқаролар даражасининг ўзи ҳам фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳамда уларнинг қанчалик хоҳишидан келиб чиқиб, уч турга бўлинади, яъни юқори, ўрта ва паст даражадаги сиёсий фаол фуқаролар:

сиёсий фаоллиги юқори даражада бўлган фуқаролар, аҳолининг сиёсий элита қисми бўлиб, барча жараёнларда фаол иштирок этувчи ҳамда сиёсий билими юқори бўлган аҳоли қисмидир;

сиёсий фаоллиги ўрта даражада бўлган фуқаролар, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этувчи, сиёсий билими юқори бўлмаган, лекин бошқа соҳадаги билимга эга бўлган аҳоли қисмидир;

сиёсий фаоллиги паст даражада бўлган фуқаролар, ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этувчи, сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда ҳам билимга эга бўлмаган аҳоли қисми бўлиб, бундай фуқаролар асосан юқори ва ўрта даражадаги фуқароларга эргашувчи аҳоли қисмидир.

Сиёсий пассив (нофаол) бўлган фуқаролар, бундай фуқаролар умуман сиёсий фаолиятга қизиқмайдиган ҳамда умуман сиёсий билимга эга бўлмаган фуқаролардир. Бу каби фуқаролар сиёсатга ишонмайдилар ёки иштирок этишдан қўрқадиган фуқаролардир. Бугунги кунда бутун жамият фуқаролари фаоллиги даражасини ўрганиш учун, аввало, унинг мезонларини белгилаш лозимлиги таъкидланади.

Бугунги ахборот-электрон асри ривожланаётган даврда сайлов ва сайлов жараёнларини, хусусан, фуқароларнинг сайловларда иштирок этиши, сайлаш тизимларининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиб, электрон сайлов дастурига ўтиш лозим, бу эса замонавий онлайн демократиянинг янги кўринишидир. Аввало, бунинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш лозим.

Албатта, сиёсий жараёнларда Интернетдан фойдаланиш натижасида сиёсий фаоллик ҳам сиёсий тизим ҳам кучаяди. Ўтказилган тадқиқотлар

натижасида Интернет тизимидан сайлов жараёнларида сиёсий ҳаркатларда, хусусан, сиёсий намойишлар, митингларда иштирок этиш, петицияларни имзолаш жараёнлари умумий ёки индивидуал иштирок этишга нисбатан 12 % дан 26 % га ошганлиги аниқланган.

